

А Ж Р И М

2025 йил февраль ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Т.Туракулов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан Шеробод туман прокурорининг ёрдамчиси П.Эшимов ва Шеробод туман ИИБ ЖХХ пробацция гуруҳи катта инспектори Қ.Қурбонназаровларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан судланган маҳкум Шотўрев Жасурбек Ўрал ўғлининг ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги Шеробод туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Шотўрев Жасурбек Ўрал ўғли (Shoto‘rev Jasurbek O‘ral o‘g‘li) 1999 йил 4 октябрь куни Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри, Бектемир туман судининг 2024 йил 11 июль кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айибли деб топилиб 1 йил 5 ой муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланган, Шеробод тумани, Хўжги” маҳалласида яшайди.

Ж.Шотўреврага нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри, Бектемир туман судининг 2024 йил 11 июль кунидаги ҳукм йиғма жилди, Шеробод туман ИИБ Пробацция гуруҳи томонидан 2024 йил 15 август кунида рўйхатга олинган, Ж.Шотўрев Шеробод тумани “Хўжги” маҳалласида оила аъзолари билан яшаб келаётганлиги, яшаш жойда бўладиган тадбирларга ва жамоатчилик ишларида фавол қатнашиб келиши, қилган жиноятдан пушаймонлиги, меҳнат севарлиги, учун маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижобий тавсифланиб, ҳозирги кунга қадар озодликдан чеклаш жазосини ўтаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш мумкинлиги белгиланган.

Суд, Шеробод туман ИИБ бошлиғининг маҳкум Ж.Шотўревнинг ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини қувватлаган туман



прокурорининг ёрдамчиси П.Эшимовнинг фикрини тинглаб, тўпланган хужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб, маҳкум Ж.Шотўревининг жазони ўташ даврида меҳнатга ҳалол ва виждонан ёндашганлигини, намунали хулқи жамоат ишларида фаол иштироки билан жазо ўтаб келганлигини, унга нисбатан тайинланган 1 йил 5 ой озодликни чеклаш жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини, яъни 6 ой 2 кунини ўтаганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан унга нисбатан тайинланган жазони ўталмай қолган қисми, яъни 10 ой 28 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536-моддаларига асосланиб, суд,

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Шеробод туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Ж.Шотўрев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўталмай қолган 10 ой 28 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум Ж.Шотўревга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Шеробод туман ИИБ бошлиғига юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажримнинг нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан 10 (ўн) сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят ва ажрим қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериши прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Т.Туракулов

